

УЙШУН, усун, уйсун — кад. туркий кабилалардан бири.

3 та урукка (ўчокли ёки учокти, кўштамгали ва эрганакли) бўлинган. Мил. ав. 3а. га оид Хитой манбаларида тилга олинган. Бу вактда Уйшунлар Хитойнинг шим. гарбида яшашган. Умумий сони 63 минг киши бўлиб, чорвачилик (асосан. йилкичилик) билан шугулланган. Ўзаро низолар натижасида Уйшунларнинг катта кисми (4 минг уйли Уйшунлар) мил. ав. 2-а. ўрталарида Еттисув ва Тяньшанга келиб ўрнашишган. Турк хокошшгига бирлашган ва у емирилгач, Ўрта Осиё ва Козогистон ерларидаги илк давлатлар таркибига кабила бирлиги сифатида кирган. 19-а. нинг охири — 20-а. нинг бошларида Уйшунлар ўзбек, козок, киргиз, коракалпок, бошкирд, нўгай, халкларининг таркибида бўлган.